



ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 октябрь куни электр энергетика соҳасидаги ишлар аҳволини чуқур таҳлил қилиш, тармоқни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

— Электр энергетикаси иқтисодиётнинг «мотори» бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, умуман ҳаётни бу соҳасида тасаввур қилиб бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мамлакатимизда жами 14 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлиб, унинг 86 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади.

Бироқ иссиқлик электр станциялари қувватларининг 84 фоизи қарийб ярим аср аввал ишга туширилган бўлиб, улар ҳам 83 фоизга ишламоқда, холос.

Ривожланган давлатларда 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 240 — 260 грамм ёқилғи сарфланса, мамлакатимиздаги айрим станцияларда 2 баробар кўп ёқилғи сарфланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади.

Мамлакатимизда электр энергияси, асосан, табиий газни ёқиш эвазига ишлаб чиқарилади. Газ ресурслари чекланган бугунги шароитда 2030 йилга бориб уни янада кўпроқ сарфлаш — тикланмайдиган табиий ресурсларнинг жуда катта миқдорини уюл қилиш дегандир.

Атом электр станциясининг ишга туширилиши ёқилғи сарфини қисқартириш бўйича мутлақо янги ечимлардан бири бўлади, бироқ бунинг учун ҳали 8 — 10 йил керак. Шунинг учун мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, энг муҳими, қисқа вақтда тизимда

сеизиларли ижобий ўзгаришларга эришиш лозим, — деди Президентимиз.

Йиғилишда 2030 йилга бориб кўшимча талаб этиладиган 12,5 минг мегаватт қувватларни яратиш чорасини қўриш, жумладан, буғ-газ қурилмалари, атом электр станцияси, гидроэлектр-станциялар барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш, Сирдарё, Тошкент, Навоий, Тахياتош иссиқлик электр станцияларидаги энергоблокларни янгилаш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни электр энергияси тизимига ҳам жорий қилиш орқали зарур бўладиган қувватларни қоплаш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига 3,9 минг мегаваттли буғ-газ ва газ-турбина қурилмалари ҳамда Ангрен шахрида ва Сурхондарё вилоятида қўмида ишлайдиган иссиқлик электр станциялари, қуёв ва шамол электр станциялари қуриш чораларини қўриш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда электр энергияси ишлаб чиқарувчи янги объектлар қуришни жадаллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланиб олинди.

Шу муносабат билан келгуси йилдан электр энергияси сотишдан тушадиган маблағларнинг 15 фоизини инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитларни қайтариш учун йўналтириш лозимлиги таъкидланди.

Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик

жамиятига лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш вазифаси топширилди.

— Тизимда амалга ошириладиган модернизация ва реконструкция ишлари ушбу соҳага давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторни жалб қилишни тақозо қилмоқда. Лекин на норматив-ҳуқуқий база ва на техник инфра-тузилма бунга тайёр эмас. Масалан, хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини энерготиъимга қабул қилиш масаласи ҳанузгача ҳал этилмаган. Оддий мисол, Туркияда 60 фоиз, Жанубий Кореяда 20 фоиз электр энергияси хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади, — деди Президентимиз.

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига халқаро экспертлар ҳулосалари асосида соҳага хусусий секторни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмининг ҳуқуқий, институционал, технологик асослари ишлаб чиқилишини таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён фойдаланиб келинаётган тармоқлар улуши 62 фоизни ташкил этиши, тақсимловчи тармоқларда линияларнинг 57 фоизи ва 39,6 мингта трансформатор пункти янгиланиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

2017 — 2021 йилларга мўлжалланган дастурга асосан, жорий йилда 34 минг километрлик электр узатиш тармоғи ва 7 минг трансформатор пунктида, 2019 йил-

да 7 минг километр электр узатиш тармоғи ва 2 минг трансформатор модернизация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига дастурда белгиланган тадбирларни барқарор молиялаштириш манбалари билан таъминлаш юзасидан топшириқ берилди. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига инвестиция мажбуриятларини бажариши учун уни молиявий мустаҳкамлаш бўйича чоралар қўриш вазифаси юклатилди. Шу жумладан, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига унинг 2019 — 2021 йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига асосий қарзини қайтариш мuddатини 3 йилга узайтириш бўйича енгилликлар бериш масаласи ҳам қўриб чиқилди.

Етказилган электр энергияси бўйича қарздорликларини ундириш самарадорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Мажбурий ижро бюроси электр энергияси бўйича қарздорликни қайтариш юзасидан қўрилаётган чоралар натижадорлигини янада ошириши кераклиги қайд этилди.

Энергия ресурсларининг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш пайсалга солиб келинаётгани танқид қилинди.

Масалан, мазкур тизимни Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида жорий этиш бўйича чет эл компанияси билан имзо-ланган шартнома қиймати қайта қўриб чиқилиши сабабли уни

Ў.А.

Хамкорлик

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари бизнес форуми ўтказилди.

Ўзбекистон – БАА бизнес форуми

Бирлашган Араб Амирликлари Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Иброҳим ал-Махмуд бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга таширифи доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда икки давлатнинг иқтисодиёт, савдо-саноат, ахборот технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳалар учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари, ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Бизнес форумининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Сўҳроб Холмуродов, Савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икрамов, Бирлашган Араб Амирликлари Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Иброҳим ал-Махмуд сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. Айниқса, сўнгги икки йилда савдо-иқтисодий йўналишдаги муносабатлар янада мустаҳкамланди. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, чет давлатлар билан савдо-саноатнинг алоқаларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, хорижий инвесторларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, ўтган қисқа вақт ичида БАА расмий вакиллари юртимизга ташириф буюриб, ўзаро ҳамкорликни қучуллаштириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Бизнес форумида хорижлик меҳмонларга республикамизнинг савдо-иқтисодий салоҳияти, сайёҳлик, уқлеводород захираларини ўзлаштириш ва бошқа йўналишларда инвестиция имкониятларини намойиш этувчи тақдимотлар қилинди.



БУЮК ИПАК ЙЎЛИ –
БЕБАҲО ҚАДРИЯТЛАР МАКОНИ

Туризм кўргазмаси

Пойтахтимизда “Буюк Ипак йўлида туризм” халқаро сайёҳлик кўргазмаси иш бошлади. Йиғирма тўртинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирда юртимиз сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шахрига алоҳида жой ажратилган бўлиб, ҳар қайси ҳудуд туризм соҳасидаги ютуқлари, бу борадаги имкониятларини таништираётир.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ФАОЛИЯТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг Глобал альянси (МХҲМГА) Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили салоҳиятини ўрганиш юзасидан юртимизга ташириф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида мазкур делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда меҳмонларга Омбудсманнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Глобал альянс вакиллари томонидан Ўзбекистондаги Омбудсман институтининг ноёблиги таъкидланиб, унинг салоҳиятини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида-

ги фаолиятини изчил давом эттириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Маълумки, МХҲМГА Швейцарияда рўйхатдан ўтказилган халқаро нотижорат таъкилотидир. Мазкур альянсни аккредитациядан ўтказиш ва унга аъзо бўлиш БМТ ҳужжатларига мувофиқ, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаси (МХҲМ) фаолиятини халқаро даражада эътироф этиш шакли ҳисобланади.

Мазкур халқаро таъкилотнинг мақсади — БМТнинг инсон ҳуқуқлари

бўйича Олий комиссари вакили билан миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг БМТ Париж принципларига мувофиқлигини баҳолаш, БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши ва шартнома органлари тадбирларида ҳамда мажлисларида иштирок этишларига қўмаклашишдир.

Учрашув якунида делегация Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Мунисон КАРИМОВА.

Ижтимоий фикр

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ИСЛОҲОТЛАРГА МУНОСАБАТИ ЎРГАНИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлиста йўлланган Мурожаатномада белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни бажариш самарадорлиги ҳақида ҳамюртларимиз қандай фикрда? “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари ўтказган навбатдаги социологик тадқиқотда ана шу саволга жавоб изланди.

Маълумки, бу каби жамоатчилик фикри мониторинги йил бошидан бери ҳар чоракда олиб бориляпти. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан фуқаролар — турли касб, миллат, эътиқод эгалари, ёш кексалар иштирок этиб келаётир.

Уларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш суъратлари ҳамда ҳаётга татбиқ қилишга ҳалал бераётган омилларга муносабат билдирилмоқда. 2018 йилнинг учинчи чорагида ташкил этилган сўровда ҳам ана шундай ёндашувлар яна бир бор ўз инъикосини топди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **4-моддасининг иккинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгариш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«микроқарз бериш»;

ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 71–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 142-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 9, 245-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар уларнинг амал қилиши мuddати чекланмаган ҳолда берилди.

Фаолиятнинг лицензияланадиган айрим турларига нисбатан қонун ҳужжатларида лицензиянинг чекланган амал қилиш мuddати белгиланиши мумкин, лекин бу мuddат беш йилдан кам бўлмаслиги лозим»;

2) **16-модда:** қуйидаги мазмундаги **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар лицензияловчи орган лицензия бериш ёхуд лицензиянинг амал қилиш мuddатини узайтириш тўғрисидаги аризини қўриб чиқиш мuddати давомиди лицензия бериш ҳақида ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида ёхуд лицензиянинг амал қилиш мuddатини узайтириш ҳақида ёки унинг амал қилиш мuddатини узайтиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, қўрсатилган мuddат ўтганидан сўнг лицензия даъвогари аризада қўрсатилган фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига бу ҳақда лицензияловчи органини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда эга бўлади.

Ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳолда лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабари олинганидан кейин беш иш куни ичида унга лицензия бериши ёки лицензиянинг амал қилиш мuddатини узайтириш шарт. Тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган рўйхати ҳамда лицензия даъвогари томонидан лицензияловчи органга юборилган ёзма хабар лицензия олингунига қадар лицензияга тенглаштирилади ва шундай фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Бунда лицензия даъвогари лицензиянинг фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»;

еттинчи – ўн биринчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи – ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарори **1-илувасининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6–7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) **йигирманчи – олтмишинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **йигирманчи – эллик бешинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш.

Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш.

Қимматбаҳо ва нодир металларни, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш.

Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизел ёнилгиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мойлар ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, бундан заводда идишларга қадокланганлари мустасно.

Этил спирти ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш.

Банк фаолияти.

Банklar томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш.

Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш.

Қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият. Баҳолаш фаолияти.

Сугурталовчиларнинг ва сугурта брокерларининг сугурта фаолияти.

Аудиторлик фаолияти.

Ломбардлар фаолияти.

Лотереялар ташкил этиш.

Адвокатлик фаолияти.

Божхона омборини таъсис этиш.

Божсиз савдо дўконини таъсис этиш.

Божхона режимида омборхона – «эркин омборхона» таъсис этиш.

Геодезия ва картография фаолияти.

Ноширлик фаолияти.

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият.

Диний таълим муассасаларининг фаолияти.

Аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш.

Фонограммаларни тайёрлаш.

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш.

Биржа фаолияти.

Туризм фаолияти.

Улгуржи савдо.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Микрокредит ташкилотлари фаолияти.

Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) ишлаб қиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш.

Риэлторлик фаолияти.

Кредит бюрolari фаолияти.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг тасдиқланган намунадаги формали кийим-боши савдоси бўйича фаолият.

Қимматбаҳо металлардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган «**Микромолиялаш тўғрисида**»ги ўРҚ–50-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 492-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Микроқарз банklar ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтарш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир»;

2) **8-модда:** **учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши ва бу қоидаларда қуйидагилар бўлиши керак: микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартлари; микромолиявий хизматларнинг миқдори, муддатлари, тўлови ва тўлиқ қиймати тўғрисидаги маълумотлар»; қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблаш, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш тақиқланади»; 3) **14-модданинг биринчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари

бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблашни, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундиришни, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашни тақиқлаш шarti»;

олтинчи – ўнинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи – ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган «**Микрокредит ташкилотлари тўғрисида**»ги ўРҚ–53-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 495-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4,137-модда) **13-моддасининг учинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблашга, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундиришга, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашга»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ўРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «тегишли рухсатнома олган» деган сўзлар чиқариб ташлансин; 2) **44-модда биринчи қисмининг:** **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин; **бешинчи – еттинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи – бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин; 3) **72-модда биринчи қисмининг:** **учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин; **тўртинчи – олтинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи – бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин; 4) **275-модданинг биринчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **бешинчи – тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни бажариш учун божхона назорати зонасига кириш; божхона масалалари бўйича божхона органларидан ахборот ва маслаҳатлар олиш; товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудидан олиб чиқиш нияти тўғрисида божхона органларини хабардор қилиш;

Маҳаллий Кенгашларда

«ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ» ИЖРОГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ

Фаргона вилоятининг Риштон туманидаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этишга қўмаклашиш бўйича Республика ишчи гуруҳи фаолияти давомида 32 минг 338 хонадонда яшовчи аҳоли билан суҳбатлар ўтказилиб, турли соҳаларга оид 1 минг 493 муаммо аниқланди.

Халқ депутатлари Риштон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси айнан ишчи гуруҳи аниқлаб-биллари меҳнатига етарли даражада ҳақ тўланмаслик ҳолатлари учраб турибди. Сўров иштирокчиларининг таъкидлашича, юқори маалакли профессионал кадрлар танқислиги, касб обрўси тушиб кетиши, ёшларнинг ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишга бўлган ҳоҳиш-истаги йўқлиги таълим ислохотлари йўлига ғов бўлаётир.

Прагматик ташқи сиёсат

Давлатимиз раҳбари томони-дан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг эътироф этишича, мудфоса салохияти, минтақада ҳавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ҳудудида экстремистик ва террорчилик қоярларни ташкиллагани қарши курашиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, экологик ҳавфсиз-ликни таъминлаш амалга ошири-лаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидандир.

Умуман олганда, тадқиқот на-тижалари халқимизга хос яқдип-ликни яна бир бор тасдиқлади: жамиятда аҳоли томонидан мамлакат Президенти сиёсатини қўллаб-қувватлаш етакчилик қил-моқда. Давлат раҳбари ташаббу-си билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий салохиятини янада мус-таҳкамлайди, унинг инсон капи-тали борасидаги ҳамда техник-интеллектуал имкониятларини ривожлантиради, деган қараш устуворлик касб этипти.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.

хуқуқ тизимини янгилаш ўртача суръатларда олиб борилмоқда, дея таъкидлаган. Сўров қатнаш-чилари 61,9 фоизининг фикрича эса, “баъзи мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат ваколатла-рининг суиистеъмол қилиниши” суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнларини секинлаштиряпти.

Соҳа ходимларида малака етиш-маслиги, бюрократизм, йиллар давомида вуждга келган тизим-ни ўзгартиришни истамаслик мазкур жабҳадаги янгиланишлар-ни муваффақиятли рўёбга чиқа-ришга сезиларли тарзда ҳалақит бераётир. Бу жиҳат аҳоли айрим қатламларининг ҳуқуқий мадани-ят ва саводхонлик даражасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Бизнес ривожига нима халал берапти?

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий иқлимни яхшилаш, тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини соддалаштириш борасидаги чора-тадбирларни ижобий кутиб олаётган фуқаролар сони ўсиб бормоқда. Тадқиқотда ана шундай тенденция кузатилаётгани маълум бўлди.

Шулар билан бир қаторда, бизнес соҳаси вакилларида ҳуқуқий билим даражаси етарли эмаслиги кузатиламоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларни амалиётга жорий этиш йўлида асосий тўғаноқ бўлаётир. Респондентларнинг 61,1% фоизи шундай деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, ишбилармонлар соҳа қонунчилиги, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини яхши билмайди, ҳўжалик фаолиятини қонуний амалга ошириш усулларини етарли даражада англамайди.

Кучли ижтимоий ҳимоя

Тадқиқотдан аён бўлдики, фуқаролар бугуннинг ўзидаёқ мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти-да рўй бераётган ижобий ўзга-ришларни ҳис этмоқда. Аҳоли бандлиги осяпти, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмалар ри-вожланиб, модернизация қили-наётир, аҳоли, хусусан, чекка ҳудудларда яшайдиган одамлар-ни электр энергияси, табиий газ, қулай уй-жойлар билан таъминлаш даражаси яхшилан-моқда.

Шунга қарамай, аҳоли ижти-моий муҳофазасини кучайтириш масалалари долзарблигича қола-ётир. Сўровга қўра, фуқаролар-нинг 37,9 фоизи соглиқни сак-

Фуқароларнинг айтишича, халқ

дастлабки операциялар амалга оширилаётганда божхона мақсадлари учун зарур бўладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш; декларацияланадиган товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона омборларига божхона назорати остида жойлаштириш»;

бешинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин; 5) **277-модданинг тўртинчи – еттинчи қисмлари**

чиқариб ташлансин;

6) **278, 279 ва 280-моддалар** чиқариб ташлансин;

7) **282-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«декларант ёки ваколатли шахс олдидаги ўз фуқаролик жавобгарлигини энг кам ойлик иш ҳақининг минг баравари миқдорида сугурталаши»;

8) **283-модда** чиқариб ташлансин;

9) **284-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган малака аттестатига эга бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **285-модда** чиқариб ташлансин;

11) **286-модда биринчи қисмининг «е» кичик банди** чиқариб ташлансин;

12) **287-модда биринчи қисмининг «л» ва «м» кичик бандлари** чиқариб ташлансин;

13) **291-модда биринчи қисмининг:**

саккизинчи ва **тўққизинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

14) **336-модданинг биринчи қисмидаги** «278» рақами чиқариб ташлансин;

15) **338-модданинг:**

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи – бешинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи – тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 3 октябрь № ўРҚ—494	

Айни кунларда тумандаги 48 та кўп қаватли уйнинг кўпида том, фасад қисмлари ва кириш йўлак-лари таъмирга муҳтож. Уйларни иситиш тизимлари мавжуд эмас. Шу мақсадда манзилли дастурга асосан, йил охирига қадар 13 та кўп қаватли уйни тижорат бан-кларининг 750 миллион сўмлик кредит маблағлари ҳисобига таъ-мирлаш режалаштирилган. Август ойидан бошлаб, ишчи гуруҳининг кўмаги билан тижорат банклари-дан кредитлар ажратилиши йўлга қўйилди.

Республика ва вилоят ишчи гу-руҳлари аъзоларининг бевосита иштирокида кўп қаватли уйлар ат-рофидаги 30 дан ортққ ноқону-ний қуриilmалар ҳамда 11 гараж бузиб ташланди.

Урганиш давомида имтиёзли равишда уй-жой билан таъмин-лаш ва уй-жой куриш учун ер аж-ратиш масаласида 155 та муро-жаат келиб тушган. Уларнинг ечи-ми маълум бир муддат ва маблағ талаб этиши ҳисобга олиниб, ҳар бир маҳалла кесимида “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди.

Сессияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШ ЎРИНЛАРИ — СЕССИЯЛАР МУҲОКАМАСИДА

Халқ депутатлари Чиноз ва Оққўрғон туманлари Кенгашларининг сессияларида ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижалари ўртага ташланди.

Кун тартиби доирасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туманларда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Хусусан, 2018 йилда аҳоли бандлигига қўмакла-шиш давлат дастурига мувофиқ, Чиноз туманида 2 минг 432 та иш ўрни ташкил этилиб, 2018-2019 йилларда қўшимча 10,3 минг иш ўрни яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилиши белгиланган. На-зарда тутилган меҳнат ўринлари тўғрисида аҳоли-ни хабардор қилишда шафдофлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда мавжуд бўш иш ўринларига ай-нан туманлардаги ишсизларни жалб этишга эришиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Яна бир масала — тумандаги бўш турган бино-лар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва фой-

даланилмаётган ер майдонлари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Хусусан, Оққўрғон тума-нида 259 та бўш турган бино ва 35 та фойдаланил-маётган ер майдони мавжудлиги аниқланган. Улар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга оши-риш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу бо-рада мутасаддилар, хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, банк-молия муассасалари-га юқорида тилга олинган объектларни “ноль” қийматида инвестиция киритиш шarti билан ишбилармонларга бериш бўйича аниқ вазифалар юклатилди.

Сессияларда ўртага ташланган муаммоларни бартараф этиш бўйича масъулларга зарур кўрсат-малар берилди.

М. АЗИЗОВА.

Депутат минбари

Ўзбекистонда бандлик масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага алоҳида ургу берилди.

Бинобарин, Ўртбошимизнинг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самардорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда ҳамон эскирган, кам самарали иш шакллари ва усулларидан фойдаланилаётгани танқид қилиниб, бозор шароитларига мувофиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бандликка қўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида рақобатдош муҳитни яратиш вазифалари қўйилган эди.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан жорий йил 6 сентябрда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан маъқулланган “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик йўналиши бўлиб, бозор шароитларига мувофиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бандликка қўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида рақобатдош муҳитни яратиш вазифалари қўйилган эди.

Зеро, мазкур ҳужжат билан фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқи тизими замон талаблари асосида кенгайтирилди. Яъни иш қидирувчи фуқаро мақбул иш жойларни топиш ва ишга жойлашишга қўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ, давлат рўйхатидан ўтган тижорат ташкилоти бўлган хусусий бандлик агентликларининг воситачилигидан фойдаланиб, ўз бандлигини республика ҳудудидида ёки ундан ташқарида таъминлаш ҳуқуқига эга бўляпти.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қонунни маромига етказишда Президентимизнинг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридида белгиланган вазифалар тўлиқ инobatта олинди, шу асосда қонун лойиҳасидаги нормаларга янгича нигоҳ, янгича фикр билан ёндашилди. Эксперт гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида ишчи гуруҳининг 30 га яқин йиғилишлари ва давра сўхбатлари ўтказилди. Билдирилган 70 га яқин таклифлар ўрганиб чиқилди. Кенг жамоатчилик муҳокамасини таъ-

минлаш учун қонун лойиҳаси Олий Мажлис қўйи палатаси расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Айни чоғда ҳуқуқий ҳужжатни такомиллаштириш жараёнида декларатив, ҳаволаки, процессуал механизмларга эга бўлмаган нормаларни ичига олган ўнга яқин моддалар ва йигирмадан зиёд хатбошилар қонун лойиҳасидан чиқариб ташланди, 12 та янги модда билан тўлдирилди.

Унда тегишли тушунча ҳамда атамаларга аниқ изоҳ берилди. Жумладан, хусусий бандлик агентлиги — иш қидираётган шахсларга иш танлаш ва ишга жойлашиш бўйича, иш берувчиларга кадрлар танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тижорат ташкилоти.

Ҳужжатга кўра, хусусий бандлик агентликларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлари уларда мазкур фаолиятни амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади. Яъни лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатида мазкур фаолият тури ҳам киритилди. Лицензия Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан чекланмаган муддатга бериладиган бўлди.

Хусусий бандлик агентликлари юридик ва (ёки) jisмоний шахслар томонидан ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин, шунингдек, ўз номида “Хususiy bandlik agentligi” деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Ҳужжатда хусусий бандлик агентлигини давлат

рўйхатидан ўтказиш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Улар томонидан хизматлар фақат икки томон ўртасида тузилган ёзма шартнома асосида кўрсатилади. Шартномада хизматларнинг мазмуни, хизматлар кўрсатиш муддатлари, хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги каби бир қатор талаблар қўйилади.

Ҳужжатда хусусий бандлик агентлигининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари алоҳида моддаларда очиб берилди. Жумладан, хусусий бандлик агентлиги шартномага мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатиш, ишга жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олиш, иш қидираётган шахслардан, шунингдек, иш берувчилардан ишга жойлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатлар ҳамда ахборот олиш каби ҳуқуқларга эга. Ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этиб бориши, хизматлар кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши каби масалалар унинг мажбуриятига қиради.

Қонунда иш берувчиларнинг ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари ҳам алоҳида нормаларда баён қилинди. Масалан, иш берувчилар ва иш қидираётган шахслар хусусий банд-

лик агентлиги томонидан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг бекор қилинишини, шунингдек, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома хусусий бандлик агентлигининг айби билан бекор қилинганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зиён компенсация қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга. Улар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда тегишли давлат органларига, истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларга, хусусий бандлик агентликлари бирлашмасига ёки судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ваколатлари алоҳида моддада очиб берилди. Унга кўра, вазирлик хусусий бандлик агентликларининг реестрини юритади, лицензия беради, уни қайта расмийлаштиради, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклайди ва тугатади, лицензияни бекор қилади, шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан, лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Мазкур қонун амалиётга жорий қилинса, чет элда меҳнат фаолиятини юритмоқчи бўлган фуқароларимизнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимояси қонун доирасида таъминланади, ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдоси жиноятининг олди олинади, ҳудудларда фуқароларни республика ташқарисига ишга юбораётган айрим шахсларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилади, мамлакатимизда янги табдиркорлик субъектлари ташкил этилиши ҳисобида қўшимча янги иш ўринлари яратилади.

Бинобарин, мазкур қонун мамлакатимизда бандлик сиёсатини амалга оширишда давлат ташкилотлари қаторида хусусий бандлик агентликлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар орқали меҳнат бозоридаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Меҳнат ва ижтимоий масалалар
қўмитаси раиси.

Ўзбекистон – БАА бизнес форуми



Бугунги кунда мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармояси иштирокида 100 га яқин корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар тўқимачилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, ювиш воситалари, полиграфия саноати, улғуржи савдо, хизмат кўрсатиш ва

бошқа соҳаларга ихтисослаштирилган.

— Ўзбекистондаги янгиланишлари диққат билан кузатишимиз, — дейди Бирлашган Араб Амирликлари Савдо-саноат палатаси раиси уринбосари Иброҳим ал-Махмуд. — Ташрифимиз давомида инвестиция муҳитини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан яқиндан

танишдик. Дарҳақиқат, Ўзбекистон — катта салоҳиятга эга мамлакат. Нефть-газ, туризм, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда кенг имкониятлар мавжуд. Айни шу йўналишлардаги алоқалар давлатларимиз ўртасидаги муносабатга янги суръат бəмшлайди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ – БЕБАҲО ҚАДРИЯТЛАР МАКОНИ



Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқаро ярмарка иштирокчиларига табригини Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳақимов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда сайёҳлик дунё миқёсида жаддал тараққий топмоқда. У нафақат аҳоли бандлигини таъминловчи, балки инфратузилмалар

орасида кейинги пайтда зиёрат туризми, экотуризм каби йўналишларга қизиқиш ошган.

Айтиб ўтганимиздек, халқаро кўргазма стендлари сайёҳликнинг турфа йўналишлари билан бойитилган. Хусусан, миллий павильонда ҳудудлар маданияти, имконияти тақдим этилаётган бўлса, халқаро йўналишда авиакомпаниялар, таълим муассасалари, сайёҳликнинг суғурта, тиббиёт, қурот йўналишлари камраб олинган. Қолаверса, қадлаги тадбирда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ахборот тенди тақдим этилмоқда. Унда меҳмонлар мамлакатимизда туризм соҳасидаги лицензиялаш, аттестациядан ўтказиш каби зарур маълумотларни олишлари мумкин.



Жорий йилги анжуманга Таиланд, Сингапур, Миср, Малайзия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Россия каби давлатлардан ҳам кўплаб вакиллар келган. Шу билан бирга, бу йил “Hosted Buyers” дастури доирасида 22 та давлатдан 50 дан зиёд хориж ОАВ вакилларининг қадимий ва ҳақиқат навоқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилади.

Халқаро кўргазма давомида “Ипак йўли таъми” номи ўзбек миллий таомлари фестивали ўтказилади. Унда юртимизнинг машҳур ошпазлари маҳорат дарслари ўтказишади. “Шарқ бозори”да эса савдо ишлари ташкил этилади. Шунингдек, турли давлатларнинг тақдиротлари ҳам уюштирилади. Хусусан, бугун Хитой Халқ Республикасининг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказиётган “Буюк Ипак йўлида туризм” йиғирма туртинчи Тошкент халқаро кўргазмаси 5 октябр-гача давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ, Динара ЧИРКОВА ва Ҳоким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Тадбир

Устоиларга эҳтиром кўрсатиш ва уларни эъозлаш халқимизга хос эзгу қадриятлардан. “Ўқитувчи” наشريёт-матбаа ижодий уйида ўтказилган байрам тадбирида бу алоҳида таъкидланди.

Устоилар ва шоғирдлар дийдорлашуви

Ноширлик соҳасида узок йиллик таърибага эга бўлган бу даргоҳда кўплаб инсонлар касб сирларини ҳам ўрганган. Бу ерда “Устоз — шоғирд” анъанаси шаклланган.

Тадбирга “Ўқитувчи” наشريёт-матбаа ижодий уйи мактабига сайқаллиниб, камол топган, ўз касбига астойдил меҳнат қилиб, бугун кексалик гаштини сураётган юзга яқин фахрийлар тақдир этилди.

Устоз — шоғирдлар дийдорлашувида наشريёт ва матбаа соҳасидаги ўзгаришлар, яратилаётган қўлайликлар, ноширликнинг ке-чаги ва бугунги кун ҳақида фикрлар алмашилди.

— Бу даргоҳда 47 йил ишладим, — дейди фахрийлардан бири Толиб Боймуродов. — Ишим ҳарф териш эди. Цехда ҳар бир ҳарфни махсус қўлинда босганмиз. Қўроғини қолип. Бугунги авлод у техникани хатто тасаввур ҳам қилолмаса керак. Чунки бугун улар бутунлай замонавий технологиялардан фойдаланмоқда. Шу касбимдан барака, обрў топдим. Бундан беҳад faxрланаман.

Тадбирда янграган куй-қўшиқлар йиғилганларга янада кўтаринкилик бағишланди.

д. йўлдошев.

ТАДБИРКОРЛИК ВА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Мамлакатимизда кейинги икки йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий табдиркорликнинг жадвал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни муҳофазалаш ҳамда унинг дахлсизлиги қафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, соҳадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

АНЖУМАН

Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси нафақат мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида, балки етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари баҳолабди ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш — 2018” ҳисоботида Ўзбекистон табдиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатлар қаторида дунёда биринчи ўталиқка киргани фикримиз далилидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистонда табдиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, табдиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган конференцияда ушбу муваффақиятларга ўз-ўзи-

дан эришилмаётгани таъкидланди.

Анжуман иштирокчиларининг айтишича, юртни тараққий эттириш, халқни бой қилиш табдиркорликини янада кучайтириш, аҳолини ишбилармонликка ўргатиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, улар асосида муҳим чора-тадбирлар қўрилмоқда. Табдиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилиши, фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир.

Ўз навбатида, “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонун (янг тахрири) қабул қилиниши эса, келгусида табдиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш, бизнес ҳамжамияти ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ўртасида

ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, табдиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофазалаш қафолатларини кучайтириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга ҳар томонлама қўмаклашиш, табдиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлашда ҳуқуқий асос ва-зифасини ўтамоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 июндаги Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқлангани соҳада муҳим янгилангандан бири бўлди.

Тахлилчилар бу каби чора-тадбирлар Ўзбекистонда бизнесни янада ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, табдиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг имкониятлар яратишини эътироф этиди.

Конференцияда мазкур соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда, мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофида таҳлил қилинди. Мутахассис, эксперт ва табдиркорларнинг ана шу долзарб масалаларни ҳал этишга доир фикр-мулоҳазалари тингланди.

Жамшид БОБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҲЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 21 ИЮЛДАН 27 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июндаги 6-сон “Экология назоратининг жамоатчи инспекторлигига номзодларни махсус тайёрларидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 21 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3041. (2018 йил 23 июлдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 16 июндаги 21/4-сон “Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-5. (2018 йил 25 октябрдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/25-сон “Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарор-

ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2318-1. (2018 йил 26 октябрдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон “Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042. (2018 йил 26 октябрдан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 24, 112-сон “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида “Обод маҳалла” жаамгармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3043. (2018 йил 25 июлдан қучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 12 июлдаги 38, 111-сон “1941 —

1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қийматига тенг компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомининг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2913-1. (2018 йил 25 июлдан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 56, 47-сон “Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 25 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-1. (2018 йил 26 июлдан қучга кирди).

8. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 26 июндаги 369-сон “Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль транспортини ривожлантириш жаамгармаси ҳақидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3044. (2018 йил 27 июлдан қучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар

хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 24 июлдаги 116-Н-сон “Ҳаво транспортида йўловчи ва бағаж ташвиш қондаларининг 115-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-3. (2018 йил 27 июлдан қучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 20 июлдаги 34, 6/ққ-сон “Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йимжамилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2673-1. (2018 йил 28 июлдан қучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 41-сон “Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3045. (2018 йил 30 июлдан қучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси Молия ва-

зирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 105, 23, 2018-53, 01-02/8-50-сон “Ўзчармасаноат” уюшмаси аъзолари — ташкилотлар учун солиқ ва божхона имтиёзининг ва преференциялари қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3046. (2018 йил 28 июлдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг “Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йимжамилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2673, 2015 йил 13 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 июлдаги 392-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

М-39 автоўйлининг Мирзаобод худудидан ўтадиган қисми бўйида ўтовлар тикилган манзил бунёд этилди.

Хўш, йўлдан ўтаётганларнинг эътиборини ўзига жалб этиб, Мирзачўл ўтмишига хос манзара ҳосил қилган мазкур ўтовлар нима мақсадда тикланди?



— Асрлар давомида худуд яйловларида туя боқиш чорвачиликнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган, — дейди мазкур лойиҳани амалга оширган тadbirkор Муҳиддин Маҳкамов. — Шу йўналишда бизнесни йўлга қўйиб, туя сутти билан даволайдиган халқона тиббий хизматни ташкил этишни мақсад қилгандим. Қолаверса, лойиҳам мазмунан табиат билан уйғун бўлишини ҳам истагандим. Шу боис ўтовлар тикилган худуддаги табиий муҳитни, яъни бу ердаги юлғун, янтоқ ва бошқа чўл ўсимликларини ўз ҳолича сақлаб қолдик. Келажақда эса саксувл кўчаларни келтириб, уларни ҳам геометрик схема асосида эмас, гўё табиий ҳолда ўсаётгандек жойлаштиришни ният қилганмиз.

поядан чўғ ҳосил қиламиз. Шунингдек, айна чоғда замонавий тиббий аппаратларни келтириш ва малакали тиббиёт х о д и м л а р и н и ишга жалб этиш ҳаракатидаммиз.

Тadbirkорнинг айтишича, Сурхондарёнинг турли қишлоқларидан олиб келинган ўтовларнинг “ёши” ҳам 50 — 60 йил экан. Масалан, ш е р о б о д л и к 82 ёшли Ёздор бободан сотиб олинган ўтов унга уйланганида ўша вақтнинг ур-фиға кўра, отаси томонидан “Қора уй” сифатида тиклаб берилган экан. Шу маънода, ўтовларни рақамлаш билан бирга, ҳар бирига уларнинг тарихи, асл эгаси, эски манзили ёзилган лавҳаларнинг ҳам илиб қўйилиши бу манзилнинг ҳадемай мозийдан ҳикоя қилувчи масканга айланишини таъминлайди. Шубҳасиз, улкан халқро автоўл теграсидаги ушбу гўша “Ўтовлар шаҳарчаси” сифатида туризмнинг сеvimли бека-тига ҳам айланади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Молия муассасаларида

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ ДОИМИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ



Бунда маҳаллий хом ашё ресурслари асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Пировардида банк бўлими кредит қўйилмаси 2018 йилнинг июль ойига келиб, 492,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан 17,8 миллиард сўми қисқа, 474,3 миллиард сўми узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.

Шунингдек, бўлим томонидан худудий дастурлар бўйича жами 124 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, 165 та кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектига 122 миллиард 344 миллион сўм маблағ тақдим этилди. Натижада 170 кишининг бандлиги таъминланди.

Аҳолига берилган пластик картчалар сони эса 108 минг 843 тага етказилиб, 1566 та терминал ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жорий йил 22 февралдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига биноан, жисмоний шахсларга йиллик имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Бугунги кунга 1038 фуқарога 13 миллиард 281,6 миллион сўмлик шундай кредитлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил

“Фаол тadbirkорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида молия муассасаларининг иштироки тобора кенгаймоқда. Улар томонидан кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағларнинг асосий қисми айна шу мақсадларга йўналтириляпти. “Ўзмиллийбанк”нинг Хоразм вилояти бўлимида иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектларини рағбатлантириш, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестиция муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар бунинг тасдиғидир.



23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари доирасида ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, хизмат кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий қилиниб, уларнинг тури кенгайтирилгани, миқозлар учун молиявий очиклик таъминланаётгани, валюта айирбашлаш амалиётларини энгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий қилингани, яқка тартибдаги тadbirkорларга чет эл валютасини сотиб олиш учун имкониятлар яратилгани шундай сазй-ҳаракатлар самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм вилояти экспорт салоҳияти юксали-

шида Урганч шаҳридаги пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Urg Tex” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Корхонада ўтган даврда 1480,7 тонна калава ип тайёрланиб, унинг 1404 тонна, 3 миллион 120,3 минг АҚШ долларлиги хориж бозорларига сотилди. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 94,8 фоизи экспорт қилинди, дегандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг январь ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ушбу жамият таъсисчилари ҳамда “Ўзмиллийбанк” раҳбарияти олдида янги замонавий фабрика ташкил этиш вазифасини қўйган эди. Давлатимиз

раҳбарининг “2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорида ҳам “Urg Tex” масъулияти чекланган жамияти 2017-2018 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва йилга қўшимча 4000 тонна калава ип тайёрлашга мўлжалланган фабрика қуриши ўз ифодасини топган. Шу тариқа 2017 йилнинг февраль ойида энергия тежамкор дастохлар сотиб олиш учун Германиянинг “Schlafhorst Zweigniederlassung der saurer Germany GmbH & Co KG” компанияси билан қиймати 6,7 миллион евролик импорт шартномаси тузилди.

“Ўзмиллийбанк” Урганч бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳисобидан “Urg Tex” МЧЖга калава ип ишлаб чиқариш технологик ускуналари сотиб олиш учун 8,3 миллион АҚШ долларлирик кредит маблағларини расмийлаштирилди.

Янги фабрика бутунги кунда барқарор фаолият юритмоқда. Хозирча ишчилар сони 140 нафар. Лекин жорий йил охирида улар сони 200 нафарга етказилади. Корхона жамоаси 2019 йилда 7 миллион АҚШ долларлирик маҳсулотни чет эллик буюртмачиларга сотишни режалаштирган. Бу “Ўзмиллийбанк” ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан тadbirkорликни ривожлантириш борасида қўрилаган чора-тадбирларга бир мисол ҳолос. Зеро, фаол ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инновацияларни амалиётга жадал татбиқ қилиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати
маълумотлари асосида
Д. МУРОДОВ тайёрлади.

Реклама ўрнида

Ташаббус

Маълумки, ёввойи табиат, айниқса, чўл муҳити киши руҳига сокинлик бахш этади. Бўш турган ташландик бостирма биносидан ферма сифатида фойдаланялмиз. Хозирча 30 бош туямиз бор. Ҳадемай, улар яна 12 тага кўпаяди. Даволанувчиларга туя сутти соғилган заҳоти истеъмол қилиш учун тавсия этилади. Албатта, бундан олдин у махсус филтрлаш жараёнидан ўтказилади. Ўтовларга сандал ҳам ўрнатганмиз. Унда ғўза-

рақамлаш билан бирга, ҳар бирига уларнинг тарихи, асл эгаси, эски манзили ёзилган лавҳаларнинг ҳам илиб қўйилиши бу манзилнинг ҳадемай мозийдан ҳикоя қилувчи масканга айланишини таъминлайди. Шубҳасиз, улкан халқро автоўл теграсидаги ушбу гўша “Ўтовлар шаҳарчаси” сифатида туризмнинг сеvimли бека-тига ҳам айланади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ КҲИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:

РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР
0,4 x 1250 — **10 500 000** сўм/тонна
0,45; 0,5; 0,7 — **9 750 000** сўм/тонна

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ

RAL 3005 0,45x1250 — **12 700 000** сўм/тонна
RAL 6005 0,45x1250 — **12 700 000** сўм/тонна
RAL 8017 0,45x1250 — **12 700 000** сўм/тонна
RAL 9003 0,45x1250 — **12 700 000** сўм/тонна
RAL 6005 0,50x1250 — **12 200 000** сўм/тонна

ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР

1,8x1000x2000 — **8 500 000** сўм/тонна
1,8x1250x2500 — **8 500 000** сўм/тонна
2,8x1250x2500 — **7 900 000** сўм/тонна

Хизматлар лицензияланган.

Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз.
Кенг асортиментда металл прокат. Тўлов шакли — нақд пулсиз.
e-mail: stal-invest@inbox.uz
Тел.: (+99895) 475-00-65.



ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛАР

ТЎЛОВ ШАКЛИ —
ТУРЛИЧА
ВА КРЕДИТГА.

**Тел.: (+99893) 330-50-00,
(+99871) 239-12-54.**

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «CALEO», «AMKODOR-CEMASH» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва саклаш учун мажмуалар

гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

ООО «Butlash Garant Servis»
предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетоносмеситель гравитационный MC-200

Технические характеристики:
MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетоносмеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергеевский р-н, ул. Олтин водий, 29А.
Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 72 393 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71 233-52-55;
Котибият 71 233-10-28; Ўзлонлар 71 232-11-15.

Тахриратга келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6